

## ТУРИЗМ СОҲАСИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

**Бабамурадова Тахмина Ихтиёровна***Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ММХ-121 гурӯҳ  
магистранти***Тухлиев Искандар Суюнович***Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси  
профессори, и.ф.д.***Annotatsiya****Kalit so`zlar**

Ushbu maqolada turizm sohasini raqamlashtirish va raqamli texnologiyalardan soha kesimda foydalanishning ahamiyati, raqamlashgan turizmning iqtisodiyotga va aholi ijtimoiy hayotiga ta'siri, rivojlangan mamlakatlar tajribasi yoritib berilgan turizm, strategiya, turizm bozori, turist, sayohat, madaniyat, tabbiy, infratuzilma, marshrut, servis, mijoz

Бугун дунё назари янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг ёттига устувор йўналиши бўйича Таракқиёт стратегиясини амалга оширишга қаратилгандир. Стратегиянинг “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш”га бағишлиган З нчи устувор йўналишида раҷамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш. Даствурий маҳсулотлар индустряси ҳажмини 5 марта, уларнинг экспортини эса 10 марта ошириб, 500 млн. долларга етказиш вазифаси кўйилган.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши макро даражада туризм соҳасини ривожлантириш, ЯИМдаги улушини ошириш, аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш мақсадида, раҷамли иқтисодиётга ўтиш шароитида туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Туристик хизматларни диверсификация қилишда XXI аср жаҳон ҳамжамияти ўз ривожланишининг янги даврига кирди-жамият ҳаётида ахборот ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Ушбу жараён туризм соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Бугунги кунда туризм маҳсулотини шакллантириш, сотиш ва реализация қилиш етарли даражада ахборотни қўллаб-қувватламасдан мумкин эмас. Уларнинг иши туризм ва саёҳат бошқаруви органлари доимий ахборот-интенсив сектори сифатида туристик бизнес халқаро интеграцияси учун асос бўлиб келмоқда. Раҷамли технологияларни жорий этиш туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини шакллантиради, бу эса транзакция харажатларини камайтириш ва раҷамли хизматлар ва платформалар иштирокчиларининг хабардорлигини ошириш орқали туризм маҳсулотининг деярли барча таркибий қисмларига тобора кўпроқ таъсир кўрсатади.

Дунё миқёсида саноат инқилоби билан боғлиқ анъанавий иқтисодиётдан раҷамли иқтисодиётга ўтиш кескин суръатлар билан рўй бермоқда. Замонавий мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги янги йўналишлар аввало Й.Шумпетер ғоясига асосланган инновацион иқтисодиёт, АҚШлик олим Д.Белл томонидан асосланган постиндустриал жамиятнинг ривожланиш тенденциялари, Ж.Хокинснинг билимлар иқтисодиёти ёки креатив иқтисодиёт назарияси, Й.Бенклернинг “Digital Economy” деб номланган илмий ишларida келтирилган концепцияларида илгари сурилган тармоқли иқтисодиёт ҳамда Д.Тэпскотт томонидан киритилган раҷамли иқтисодиёт дан иборат бўлмоқда. Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёт стратегиясида ҳам айнан раҷамли иқтисодиёт концепцияси илгари сурилмоқда.

Туризмда раҷамлаштириш технологиясининг рентабеллигини ошириш, анъанавий бозор иштирокчиларини онлайн соҳага босқичма-босқич ўтиш, тегишли молиявий оқимларни алмаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратади. Туристик ахборот тизимлари ва платформаларининг ривожланиш тенденциялари уларнинг туризм хизматлари бозори учун ортиб бораётган аҳамиятини кўрсатади.

Бугунги кунда туризм соҳасида раҷамли технологияларни ривожлантириш-нинг муҳим йўналишлари кўйидагилардан иборат:

- туризм фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ барча давлат хизматларини электрон шаклга ўтказиш;
- туризм бозори иштирокчилари томонидан ўрнатилган барча ҳисботларни электрон шаклда тақдим

етиш имкониятини таъминлаш;

• туристик фаолиятни таъминлаш билан боғлиқ давлат ахборот тизимларини интеграциялаш, ахборотни икки томонлама тақдим этишни истисно қилиш.

• туризм соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда тадбиркорлик ва эксперт ҳамжамияти билан ҳамкорликни такомиллаштириш учун рақамли ечимлардан фойдаланиш.

Ички ва кириш туризмини ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири ташки маълумот манбалари ва ижтимоий платформалар билан интеграциялашган энг яхши мижозлар тажрибасини яратиш учун бозор иштирокчиларини онлайн платформада бирлаштирадиган сайёхлик экотизимини шакллантириш учун шарт-шароитларни яратишидир. Платформалар асосида Ўзбекистоннинг туристик маҳсулотини ривожлантириш тизими ни ривожлантиришга қаратилган функцияларни амалга оширадиган турли блоклар, хизматлар ва мобил иловалар ишлаб чиқилиши лозим бўлмоқда.

Рақамли иқтисодиёт шароитида туризм соҳасида рақамли технологияларни жорий қилишнинг қўйидаги шартлари мавжуд:

• туризм бозорини яратиш ва туристик маҳсулотини тарғиб қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни марказлаштириш;

• меҳмоннинг электрон туристик харитасини ва шунга ўхшаш мобил иловаларнини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш (сайёхга жамоат транспортида ҳаракат қилиш, маданий тадбирлар ва ҳодисалар ҳақида маълумот олиш, туристик кўргазмага ташриф буюрганингизда чегирмалардан фойдаланиш, шунингдек, бошқа имтиёзлар бериш имконини берувчи мобил қурилмалар учун халқаро хариталар ва иловаларнинг аналоглари);

• маданий ва табиий дикқатга сазовор жойлар, музейлар экспозициялари, визуализация технологиялари, виртуал экспкурсиялар, кенгайтирилган реаллик технологиялари ва бошқалардан фойдаланган ҳолда онлайн режимда туристик йўналишлар билан танишиш имкониятини таъминлаш;

• туристик обьектларнинг жозибадорлигини ошириш ва туризм ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун кўргазма шаҳарлари ва обектлари (музейлар, кўргазма марказлари, бадиий галереялар ва бошқалар) бўйлаб ҳаракат қилиш учун кенгайтирилган реаллик хизматларини яратиш ва ривожлантириш;

• туризм соҳасида очиқ маълумотлар тизимини ривожлантириш ташкилотлар ва тармоқни бошқариш тизимининг шаффоғлигини ошириш, туризм хизматларининг янги турларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

• маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, сайёхлик хизматларини илгари суриш тизимини ривожлантириш учун катта маълумотлар ва сунъий ақл технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш.

• чипталарни сотиб олиш ва меҳмонхоналарни брон қилиш имконияти билан онлайн сайёхлик маршрутини қуриш хизматларини ривожлантириш;

• ўз-ўзини иш билан банд бўлган шахсларни туристик фаолиятга жалб қилиш учун электрон сайт яратиш (қўлланмалар, ўқитувчилар, йўриқномалар));

• геоахборат тизими (ГАТ) - навигация билан интеграция қилиш, сўровларни шакллантириш учун QR кодлардан фойдаланиш имконияти билан намойиш обьектлари, аудио ва видео-код хизматлари учун мултимедия иловаларини ишлаб чиқиши.

Мамлакатимиз туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга бўлиб, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида туризм соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон туристик кўлами ва тарихий обидалари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда сакиз мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКО нинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Мамлакатимизда туристик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш мақсадида янги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, аэропортлар ва транспорт коммуникациялари барпо этилмоқда, янги туристик маршрутлари ишлаб чиқилмоқда, сервис хизмати тубдан яхшиланмоқда.

Туризм борасидаги улкан салоҳиятни чет элларда оммалаштириш, юртимизга сайёхларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида мамлакатимиз туристик ташкилотлари йирик халқаро туристик кўргазмаларида мунтазам иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида туризмни ривожлантиришга доир манзилли дастурлар, экотуризм, алъинизм, отда, тұяда, автомобилда саёҳат қилиш, балиқ ови, рафтинг, геотуризм, маданий-маърифий туризм каби янги туристик турлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Знчи устувор йўналиши бўйича Тараққиёт стратегигасида белгиланган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёхлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш вазифасини амалга оширишга мамлакатимизда халқаро туризм билан бир қаторда ички туризмни ҳам изчил

ривожлантириш бўйича катта имкониятлар мавжуд.

Зеро, ички туризм иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонли-гини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Шу боис мамлакатимизда ҳудудларнинг туристик имкониятларини ошириш ва тарғиб этиш, курортлар ҳамда туристик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боғлар барпо этиш, кишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юртдошларимизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиши учун қулай шароит яратиш имконини бермоқда.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Туризм” кафедраси томонидан олиб борилган туризмда рақамлаштириш технологиясининг самародорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар натижасида туризм бозорининг барча тузилмалари- туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа туристик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш ва дам олиш корхоналарининг хизматларини ягона геоахборот тизимида интеграция қилишни тавсия қиласиз.

Туризм геоахборат тизимини шакллатиришда рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали туризмни режалаштириш, истеъмолчиликни, рақобатбардош вазиятни ва ҳудуднинг инфратузилмасини тавсифловчи фазовий тақсимланган обьектларни бошқариш, сотиш соҳасидаги фаолиятни режалаштириш ва амалга оширишда фазовий маълумотлардан фойдаланган ҳолда туристик корхонани маркетинг таҳлили учун ишлатишига имкон беради

Ўзбекистон туризм соҳасидаги олиб борилаётган ислоҳатларнинг натижаси улароқ Испаниянинг Мадрид шаҳрида 3 декабр 2021 йилда бўлиб ўтган Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош ассамблеяси 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ўтказиладиган бўлди. Бу ҳақда Овоз бериш жараёнинга кўра, Ўзбекистон Португалияни ортда қолдирди. UNWTO Бош ассамблеяси 2 йилда бир марта ўтказилувчи энг муҳим туристик форум бўлиб, бундай юқори даражадаги тадбир, яъни БМТ оиласига кирувчи ташкилотларнинг Бош ассамблеяси биринчи марта Ўзбекистонда ўтказилади. Яни 2023 йилда Самарқанд шаҳри Бутунжаҳон туризм пойтахтига айланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-60-sonli “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi farmoni. 28.01.2022 yil.
2. Шумпетер. Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.:Эксмо,2007.862 с.
3. Белл Д.Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М.:Academia, 1999.956 с.
4. Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin, 2001.
5. BenklerY.The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom.New Haven, Conn: Yale University Press, 2006. 515 p.
6. TapscottD.The digital economy: promise and peril in the age of networked intelligence. NewYork; Montreal: McGraw-Hill, 1996. 342 p.

<sup>1</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-60-sonli “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida” gi farmoni. 28.01.2022 yil.

<sup>2</sup> Шумпетер. Й.А. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. М.:Эксмо,2007.862 с.

<sup>3</sup> Белл Д.Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социального прогнозирования. М.:Academia, 1999.956 с.

<sup>4</sup> Howkins J. The Creative Economy: How People Make Money from Ideas. London: Penguin, 2001.

<sup>5</sup> BenklerY.The Wealth of Networks: How Social Production Transforms Markets and Freedom.New Haven, Conn: Yale University Press, 2006. 515 p.

<sup>6</sup> TapscottD.The digital economy: promise and peril in the age of networked intelligence. NewYork; Montreal: McGraw-Hill, 1996. 342 p.